

134 йилдан сўнг «Harvard Law Review»га илк мусулмон президент бўлди



08:00 / 02.03.2021 2137

Harvard Law Review 134 йиллик тарих мобайнида илк бор асли мисрлик бўлган ҳозирда АҚШда истиқомат қилаётган Ҳасан Шаҳвий Қўшма Штатлардаги энг нуфузли қонун журналига раҳбар этиб тайинланди. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди.

26 ёшли Ҳасан Harvard ҳуқуқ мактабининг тарих йўналишини тамомлаган.

АҚШнинг собиқ президенти Барак Обама ҳам 1990 йилда биринчи журнали юзасидан Harvard Law Review билан иш олиб борган. Қўшма Штатлар Олий судининг учта аъзоси, Антонин Ссалиа ва Рутх Бадер Гинсбурглар муҳаррир таркибига киришган.

Harvard Law Review жамоаси Қўшма Штатлар ҳуқуқ мактабларининг энг юқори талабалари ҳисобланади. Улар одатда нуфузли ишларга ва суд котибиятларига ишга қабул қилинади.

1977-йилда Law Review журнали ўзининг биринчи аёл президентини сайлаган эди.

2016-йилда Шаҳвий тарих йўналиши бўйича Harvard ҳуқуқ мактабини тамомлайди. Шунингдек, Оксфорд университетиде шарқшунослик ва Ислон қонунлари йўналишида ҳам таълим олган.

Таржимон: Имрон